

# ХАЛҚ СЎЗИ

ХИЖРИЯ:  
КАМАРИЯ 1411 ЙИЛ  
ШАЪБОН, 14-КУН  
ШАМСИЯ  
1369 ЙИЛ  
ХУТ, 11-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган

• 1991 йил 1 март, жума, № 43 •

НАРХИ ОВУНАЧИГА 7 ТИЯН.  
СОТУВАДА 10 ТИЯН.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ИККИ ОЙДА 3.572, ЯЪНИ ЯНВАРДА 1.064, ФЕВРАЛДА ИККИ ЯРИМ ҲИССА КЎП—2.508 ТА ХАТ КЕЛДИ. УЛАРНИНГ БИРОРТАСИ ҲАМ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ. БАЛИҚ СУВ БИЛАН, РЎЗНОМА ЭСА МЕҲНАТКАШЛАР ФИКРУ ЗИКРИ, ТАКЛИФУ МУЛОҲАЗАСИ БИЛАН ТИРИК. ДЕМАК, МАРҲАМАТИНГИЗГА МУҲТОЖМИЗ, АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

## «Яшил дўстлар» кўпайсин

Республикада ўрмон ва боғлар яратиб икки ойлиги бошланди

Бугун — март, баҳорнинг ilk ойи. Ҳаво илб-илбор, курткалар уйғонади, борлик яшил тус ола бошлайди. Қадимий аёнанага кўра катта қиш — этти яшардан етмиш яшаргача — далага, хибонларга, қушларга балқирак, катмон, хаскаш кўтариб чиқади: кўчат экади, гулзор барпо элади. Барчага кайфияти кўтаринки, яъни кўчмамона. Республикада ўрмон ва боғлар яратиб икки ойлиги бошланди.

Бу йил жами 117 миллионлаб 966 минг туп ниҳол ўтказиш режалаштирилган. Булар ўрмонбош, манзарали, мевали, мағиз-мевали, тут дараклилар, тоқ кўчаларидир. Бултурги топириққа қараганда 17 миллион туп ниҳол экиш мўлжалланмоқда. Бу ўз-ўзидан тушунарли: республикада «яшил дўстлар» ҳамон кам. Бизда аҳоли жон бошига нормадаги 90 ўрнига бор-йўри 20 квадрат метр даректор ва

гулзор тўғри келади. Қарши, Гулистон, Бухоро, Янгйер сингари кўчат шаҳарларда эса бу кўрсаткич янада паст. Бу галги кўчат ўтказиш икки ойлигининг ўзига хос хусусияти бор: тараққа зўр берилди. Шу тариқа яна бир халқ удуми тикланмоқда. Қадим-қадимдан давом этиб келган, аммо кейинги йилларда унутилмаган одат буларди: оилада ўғил туғилса, ота-она унга ағаб албатта бир неча туп терак ниҳол ўтказарди. Бола янгит ашга етгунга қадар терак ҳам кўча буй чўзиб, иморат қурлаётганда асқотарди. Икки ойлик мобайнида 5 миллион 790 минг туп терак ниҳоли экиш мўлжалланган.

Кўчат ўтказишга доир ишларни мувофиқлаштириб туриши учун республика штаби тузилди, унга Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. И. Бугров бошлиқлик қилмоқда. Тадбирлар режаси халқ депутат-

лари бarchа вилоят кенгашлари ва икромия комитетларига етказилди. Икки ойлиқни уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма нарса: кўчат, боғлар тўқдорларини парваришда ишлатилган доралар жихозлар, зараркундандалар ҳамда касалликларга қарши курашда қўлланиладиган мосламалар, полиетилен плёнкалар билан таъминлаш ҳисобга олинган. Белқурак, катмак, тоққачи, нарсон ва ҳоказоларни дорадиган халқ хўнарақчилиги яна кенг йўлга қўйилмади.

Ўрмон ва боғлар барпо этиш икки ойлигини бошлар эканми, аввал йўл қўйилган хетоларни эсдан чиқармаслигини эсимиз керак. 1990 йилда республикада режадаги 100,7 миллион ўрнига 120,6 миллион туп ниҳол ўтказилган ёки топириққа 120 фоз бажарилган эди. Бироқ 35 вазирилик ва идоралар 19 таси режани удралай олмади. Қурилиш вазирилик, Маҳаллий саноат ва

зирилик, Сув хўжалиги қурилиши дедалат комитети мўлжаллагандан икки баравар кам кўчат экидилар. Жисмоний тарбия ва спорт дедалат комитети топириқни бор-йўри 23 фоз бажарди, холос. Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич аранг 60 фозга етди. Экилган ниҳолларни парваришдаги ҳақиқат етэри қайғурилмаган сабабни уларнинг аксарияти кўп утмай қуриб қолмоқда. Эндиликда ана шу хато ва кўсурларни тақорламаслигини эсимиз керак.

Табиат шайдолари, сизларга мурожаат этамиз: ўрмон ва боғлар яратиб икки ойлигини қўлда ниҳол қўйишнинг қўлидан ниҳол келса, шуни қилсин — лоқал икки-уч туп терак, олме ёки олмеки экиб, умумхалқ ишига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўйсин. Республикада яшил либосга буркансин, боғларимиз шоууллаб турсин, гулзорларимиз кўзга нур, дилларга ҳузур бағишласин.

## Нурсултон НАЗАРБОВ:

# МАҚСАДИМИЗ, ИНТИЛИШИМИЗ БИР

Шу йил 27 февраль кун Қозоғистон ССР Президентини Н. А. Назарбов Тошкентта таширф буюрди. Аэропортда меҳмонни Ўзбекистон жумҳурияти Президентини И. А. Каримов, республика вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, халқ депутатлари Чимкент вилоят кенгашининг раиси С. А. Терешченко кутиб олишди.

Бу ерда ҳар иккала Президент билан журналистлар орасида суҳбат бўлиб ўтди.

— Нурсултон Абшевич, Тошкентта келишингизнинг бош мақсади ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Ростини айтсам, мен Олма-Отадан Чимкентга учатган эдим. Аммо у ерда об-ҳаво ноқулайлиги, анироғи — туман туфайли самолётимиз жумҳуриятнинг аэропортига қўнишга мажбур бўлди. Оғанини эканлигини учун об-ҳаво ҳам тез-тез учрашиб туришимизни раво қўрган бўлса керак-да.

Аслида эса шу яқин кунларда республикангиз раҳбарлари билан Чимкентнинг Сарноғоч районига учрашини режалаштирдик. Ва эндиликда шу ният амалга ошди, албатта.

— Ушбу учрашувда асосан нималар ҳақида гап болади?

— Жуда кўп нарсалар тўғрисида. Табиинки, биринчи гапта Иттифоқимиздаги бугунги сиёсий ва иқтисодий аҳвол хусусида. Масалан, республикаларимизнинг мустиқлиги, марказга берилган ваколат, бозор иқтисодийти билан боғлиқ ўта зарур масалалар ҳақида Ислам Абдуганиевичнинг бу борада амалга ошираётган тадбирларини яқинлиқ билан қўлаб-қувватладим. Олимпиада ниҳоятда залворли муаммолар турлида ва амминанки, биз уларни му-

вафқиятли ҳал этамиз. Бунда бизга аввало ўзаро жишлашувимиз катта мадад беради.

— Бундай порасий учрашулар нақадар зарурлигини таъкидлаш ортиқча бўлса керак. Улар ҳар жиҳадан фойдаланишга, албатта. Республикада Президент билан бу сафарги мулоқотингиз ҳар иккала жумҳурият халқига амалда нималар беради, деб ҳисоблайсиз?

— Урта Осиё ва Қозоғистон музофотларида яшовчи эзу элатларнинг тақдирини азал-азалдан бир-бирига боғлашиб кетган. Биз кўп муаммоларни баҳамжиҳат этиш йўларини қидирганмиз. Шу кеча-қўнғузда — бозор иқтисодийтига ўтиш, нарк-насонини оширишни арафасидаги йўлар ҳам халқларимизни бирдай таъминлашга олиб боради. Бинобарин, биз бундан келиб чиқадиган вазирият ҳақида бамақлашати кўришимиз лозим.

Айримлар бунга бошқача тус беришга уринишадилар. Эминки, биз марказни инкор этган ҳолда ўзимиз айрича бир сиёсат юргизаётган эканми. Ансинча, биз эзу мақсад сари бошқа йўриқ қарор республикалар билан ўзаро ҳамкорликда олме қўришга интилаймиз. Мақсад — Иттифоқ давлатини сақлаб қолиш (билар унинг асосий ўзатини ташкил этишимиз керак). Аммо бу давлат бутунлай янгича тузилиши, унда жумҳурият-

лар тенглигига мустақиллиги сўзсиз эътироф этилиши шарт. Бу айрим раҳбарларнинг эмас, балки халқларимизнинг жумҳуриятлар Олий Кенгашларида қабул қилинган истак-хоҳишларидир.

Ана шулар ҳақида яна бир бор гаплашиб олсам, аини мудоа бўларди. Бундан ташқари, кундалик вазирият, дейлик экин қозаётган экин мавсумидан ўзаро ёрдам, ёз мавсумида ва кўзда ҳосил янгим-терминини уюштириш, қолаверса, бир-биримизни турли мақсулотлар, зарур хом ашё билан таъминлашни янада яхшилаш каби нарсани муҳоама этамиз. Ушбу тадбирларнинг амалий натижаси сўзсиз, беинҳоя катта самара беради.

Умуман сўнгги пайтларда минтақамиз раҳбарлари орасидаги ўзаро алоқалар кундан кунга муштаҳамлашиб борапти. Мана, дейлик, яқинда Олма-Отада Қирғизистон Президентини Аскар Анаев билан учрадик. Бир неча кунлардан кейин эса республикадаги Туркменистон раҳбарлар таширф буюришди. Утган йил Олма-Отада ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари ўртасида тузилган шартномага дастлабки ақун асанини мўлжаллаб турибми. Галдаги ана шундай учрашув хусусида келишиб олмоқчимиз.

— Ислам Абдуганиевич, икки Президент — Сиз ва дўстиягиз Нурсултон Назарбов Иттифоқ рейтингини яқинлаштиришга кўра юқори ўрни эгаллагансизлар, иш ҳақида эса сизларни нималар боғлаб туради?

— Аввало тили, тарихи, маданияти бир бўлган ўзбек ва қозоқ халқлари манфаатларининг муштарақлиги. Биз Нурсултон Абшевич билан дўстимиз, бир-биримизни жуда яхши тушунашимиз. Ута жиддий масалалардаим фикрларимиз яқин чиқади. Чунонки, биз Иттифоқнинг келажакини янгиланган федерация тарзида тасаввур этамиз. Жумҳуриятларимиз эса унинг таркибидан тенг ҳуқуқли, мустиқлик республикалар бўлмоғи керак.

Ҳозир Ўзбекистон ва Қозоғистон олдда улкан муаммолар турлида ва, ишониманки, уларни ҳал қилишда доимо бир ақадан бош чиқариб, бир-биримизга мадад бериб ҳаракат қилаверамиз.

Суҳбат сўнгида Н. А. Назарбов «Халқ сўзи» рўзномасига қандай истақлар билдирасиз, деган саволга: «Мен «Халқ сўзи» ўзбек халқининг барча эзу фикрларини далиллик билан кутариб чиқадиган рўзномага айланиб қолишини тилайман», деб жавоб қайтарди.

Анвар ЖУРАБОВ,  
Абдусамат ҲУЛДОШЕВ.

Н. А. Назарбов билан Ўзбекистон ССР Президентини қароргоҳида дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Кейин меҳмон Р. П. Шредер номидagi богдорлик-узумчилик илмий-ишлаб чиқариш биришмасига таширф буюрди, узум ва меваларнинг ўзбек селекционерлари яратган истеқболли янги навлари кўзга-масан билан таърифди. Сафар чоғида унга И. А. Каримов ва Ш. Р. Мирсаидов ҳамроҳлик қилишди.

## ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

27 февраль кун Тошкентда Ўзбекистон ССР Президентининг навабтадаги мажлиси бўлди. Мажлисда иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларни қамраб олган муаммолар мажмуи кўриб чиқилди.

Президент Кенгашининг аъзоси, Вазирият Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов «Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш тўғрисида» ахборот берди.

Аҳолини озиқ-овқат мақсулотлари билан таъминлаш масалаларни республика ҳукумати-нинг диққат марказида тур-булган таъкидланди. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонлари ва мувофиқ, ушбу муаммони ҳал этиш учун пахта майдонларини қисқартириб ҳисобидан қишлоқ аҳолисига 183 минг гектардан кўпроқ ер ажратилди. 580 мингдан ортиқ оила томорқа ери олади, 932 минг оила ўз томорқасини кенгайтирди. Аҳолига бузоқ ва ларранда, озуқа сотиш ишлари кенг миқёсда ташкил этилди. Ана шу тадбирлар туфайли 1990 йилдаёқ ундан аввалги йилга нисбатан хўш-хўш секторда етиштирилган кўмак-мақсулот даяри 300 миллион сўмлик кўчмади. Мава-сабзаёт мақсулотлари етиштириш 395 минг тонна гўшт, сут ва тузум тайёрлаш 5 фоздан ортиқроқ ўсди.

Ўзбекистон ССР Президентининг шу йил 11 январдаги фармони ва мувофиқ, сентябрь ойига шахсий фардани кўшма-мақсулотларни ривожлантириш учун яна қўшимча тарзда 108 минг гектардан кўпроқ ер ажратилди.

Шу билан бирга, дейилди мажлисда, Ўзбекистон аҳоли-сини озиқ-овқат билан таъминлашнинг аҳоли халқ ҳам-кескин бўлиб қолмоқда. Жум-хуриятда чорвачилик мақсу-лотларини тартиб қилиш кор-ниқарисиз олиб боришда, республикаларимиз битимлар асосида шартномалар тузили-ши барбод бўлмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат мақсу-лотлари билан таъминлашни яхшилашга бевосита алоқадор бўлган жиддий масала — аҳо-лини ижтимоий жиҳатдан қи-меч қилишга албатта қафолат

берилган ҳолда озиқ-овқат мақсулотлари чакана нархлари масаласини тартибга солиш кераклиги таъкидланди.

Президент Кенгаши муҳо-мава этилган муаммо юзаси-дан Ўзбекистон ССР Президенти хузуридаги Вазирият Маҳ-камасига тегишли тавсиялар берди.

Мажлис қатнашчилари Президенти Кенгашининг аъзоси, таъширлар вазири С. О. Азимованинг Ўзбекистон ССР Таъширлар аъзосининг тузили-ши ва унинг Ўзбекистон дедалат мустақиллиги амалга ошириладиган шароитда рес-публиканинг халқроқ таъшир алоқаларини кенгайтириш ва муштаҳамлашда аҳамияти-ни ошириш ҳақидаги ахбороти-ни тингладилар.

Президент Кенгашининг аъзоси Т. Валиев жамоат та-ширларини ривожлантириш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида ахборот берди. Ўз-бекистон ССРда Жамоат бир-ликлари тўғрисидаги қонун-нинг қабул қилиниши респу-бликадаги ижтимоий-сиёсий аҳ-волни нормаллаштириш ва барқарорлаштиришга кўмак-лашадиган ҳамда ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат деб баҳоланди. Энди, дейилди но-тиқлар, ижтимоий-сиёсий бир-ликлари жинплантириш ва уларнинг амалий ҳамкор-лик қилиш йўларини излаш зарур. Республикада улар бир-ликлари куч-гайрат сарф-лашлари — аҳолининг турмуш даражасини ошириш, халқлар ўртасида дўстликни ва ҳам-жиҳатликни муштаҳамлаш, экология масалалари билан, табиий бойликлардан оқилана фойдаланиш билан шуғулла-нишлари учун катта имконият бор.

Президент Кенгаши респу-бликамизда иш олиб бораётган қўш оғиз ва қар ногиронлар-ни бирлаштирувчи жамиятлар фаолияти, уларга қаршли қорхоналарининг моддий-техника босқини ривожлантиришда кўмаклашиш билан боғлиқ масалаларини ҳам муҳомава қилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мир-саидов қатнашди. [ЎЗАТ].

## Ўзбекистон хотин-қизларига

Қадри дуюналар! Оналар, опа-сингиллар, қизлар, дўст-лар! Жонжон Ватанимиз оғир даврини бошидан кечирмоқда. Сиёсий ва иқтисодий тенглик билан бир қаторда совет халқ-ларининг дўстлиги жуда оғир синовдан ўтмоқда. ССР Итти-фоқи тақдирини қавоқчилик ва ташвишланиш ўз Ватанини жишлашган ва қудратли дедалат сифатида, тенг ҳуқуқли муста-қил жумҳуриятлар иттифоқи сифатида қўришни хоҳлаётган ҳар бир ватанпарвар, ҳар бир ҳалол инсоннинг қалбидан жой олди.

Биз яхши ниятли барча ки-лишларга мурожаат этамиз.

Шубҳа билан қарашларга, ишончсизлик ва аразларга бар-ҳам берайлик. Турмушимиздаги алам ва нафрат йўқолсин, ях-ши ният ва эриш-илдиқ танга қилсин. Барча иниллатлар ва элатлар тенг, мустиқлик ва ято-на бўлган, ҳар бир халқнинг шон-шарафи ва қадр-қиммати юқори баҳоладиган, милла-тидан қатъий назар, ҳар бир кишининг барча ҳуқуқлари ва эркинликларига қафолат берил-ладиган Совет Иттифоқи халқ-ларининг янгиланган федера-

Мурожаатнома Ўзбекистон хотин-қизларини жумҳурият кенгашининг пленумида қабул қилинди.

қиёсигина бизни кутқара олади.

Биз миллатлараро нисолар бўлмасин, деа қетиян талаб қиламиз, ўзимизни жамоалар-ро мождарларга тортишлари-га йўл қўймаймиз. Бундай мо-ждарларда ҳеч қачон голиблар бўлиши мумкин эмас, аксинча қафолат янгиланган иқтисодий курбонлар берилиши мумкин.

Биз барча-барчани дўстликка ва бирлашишга, яхшиликка ва меҳр-муруватга қақирамиз.

17 март кунини ўтказиладиган умумхалқ референдумини бун-га рўйи-рост ва аниқ жавоб беришига шубҳа йўқ. Мамле-катимиздаги бошқа халқлар бил-ан ўз тақдирини бир умрга боғлаган Ўзбекистон ССР ўзи-ни қардош совет халқларининг янгиланган федерация-сисиз тасаввур эта олмайдик. Иттифоқ учун овоз бера-р эканми, биз тинчлик учун, фуқаролар оқибатларини ва тотувлиги учун овоз берамиз.

Меҳри дара ва жасур она-ларимиз қалбини кўри жум-хуриятимиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ушбу даврларда умумий хонадончи-лигимиз, умумий Ватанимизни кутқариш йўлини кўрсатиб ту-рибди.



СУРАТДА: Тошкент аэро портида учрашув пайти. Маъмур НАЗАР олган сурат.



Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иккинчи мажлисида ва менажмент марнази ходим-лари бўлишди. СУРАТЛАРДА: ишбилармонлар «ўйини» дан лавҳалар. Е. ВОТНР олган суратлар.

## КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

Совет Социалистик Рес-публикалари Иттифоқи Пре-зиденти М. С. Горбачевнинг 1991 йил 21 февралдаги

фармони ва биноан Ўзбеки-стон ССРда истиқомат қи-лувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп

болали 164 онага «Қаҳра-мон она» фахрий унвони берилади. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топирилади. (ЎЗАТ).

## РАИСЛИҚДАН—КОТИБЛИККА

Ўзбекистон Компартияси Фарғона вилоят комитетининг 27 февралда бўлиб ў-тган пленуми ССР халқ деп-путати Баҳромжон Эргашев-ни вилоят партия комитетининг қишлоқ хўжалиги маса-лалари билан шуғуланувчи котиби қилиб сайлади.

Обком аъзолари халқ но-би номзодини яқинлиқ бил-ан қизгин қўллашди. Аш-ХОВОД, 28 февраль. (ТАСС мухбири Н. Чумоков). Энди Туркменистонда Баҳор байрами — Назару ҳар йили нишонланади. Туркменистон ССР Президентини С. Ниязов-нинг республика газеталари-

ри бежиз эмас. Баҳромжон ёш бўлишга қарамай вило-ятдаги йирик хўжаликлар-дан бири — Ленинград рай-ониндаги Энгельс номли кол-хозга келди. Мана, беш йил-дан, жамоат хўжалиги ви-лоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажариб келаяпти. Бошқа соҳалар равақли, турмуш тарзи ҳам

яхши. Колхоз хазинасида ҳозир 8 миллион сўмга яқин маблаг бор. У СССР Олий Кенгаши-нинг Ўзбекистон ССР Пре-зиденти кенгашининг аъзо-си сифатида ҳам катта та-ширчилик ишларини олиб бормоқда. Н. АМИНЗОДА.

## ТУРКМЕНИСТОНДА БАҲОР БАЙРАМИ

Да бугун эълон қилинган фер-монда шундай дейилган. Меҳнаткашларнинг қадимий туркмен маданияти аёнана-ларини ва меросинларини тиллаш тўғрисидаги кўлаб истақ-ларига мавоён республика ху-

да бугун эълон қилинган фер-монда шундай дейилган. Меҳнаткашларнинг қадимий туркмен маданияти аёнана-ларини ва меросинларини тиллаш тўғрисидаги кўлаб истақ-ларига мавоён республика ху-

да бугун эълон қилинган фер-монда шундай дейилган. Меҳнаткашларнинг қадимий туркмен маданияти аёнана-ларини ва меросинларини тиллаш тўғрисидаги кўлаб истақ-ларига мавоён республика ху-

# ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон ССРда тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига қаролат беради, уларнинг ҳуқуқ ва маъсулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун қоралар билан ишга солинди, уларнинг ишбилармонлигини ошириш тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий қаролатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган.

Қонун мулкчилик ва ҳужжатли юриштиш шакллари эркин танлаш, бу шаклларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминлашнинг шартларини яратилишига қўмақлашади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ва мулкдор билан бўлган муносабатларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, ҳужжатли бўлиши мумкин.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва (ёки) бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш йўли билан фойдаланишига асосланган мумкин.

1-модда. Тадбиркорлик тўғрисидаги қонулар

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар, мулкчиликнинг шаклидан, фаолият туридан, қайси соҳага иxtисослашишдан қатъи назар, ушбу Қонун билан, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Асосий фаолияти тадбиркорликдан иборат бўлмаган давлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига, жамоат ва диний ташкилотларга ҳамда ўзга ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига қўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига қатъи қилинади.

2-модда. Тадбиркорлик субъектлари

Кўйилганлар тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкин:

— қонунида белгиланган тартибда муомала лойиҳаси тақдим қилинган Ўзбекистон ССР ва СССРнинг ҳар қандай фуқароси;

— фуқаролар гуруҳи (шериклар), шу жумладан давлат, кооператив ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаси — жамоат тадбиркорлари;

— Ўзбекистон ССР қонунарида кўзда тутилган ваколатдор доирасида бошқа аъзолиги бўлмаган фуқаролари ёки юридик шахсларнинг шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар;

— аралаш мулк субъектлари.

3-модда. Тадбиркорликнинг умумий қондалари

Ўзбекистон ССРда тадбиркорликнинг ривожлантиришнинг асосий қондалари кўйилганлардан иборат:

— қонун билан таққиданмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;

— тадбиркорнинг ҳужжатли фаолиятини юриштидаги ва фаолият маҳсулини тақсимлашдаги мустақиллиги;

— тадбиркорларнинг барча

— бир гуруҳ фуқаролар томонидан амалга оширилган жамоат тадбиркорлиги.

— юридик шахслар ва фуқароларнинг ўз мулклари билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда амалга оширилган ҳамкорликдаги тадбиркорлик.

4-модда. Тадбиркорлик шакллари (фирмалари) ва унинг фаолияти асослари

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик ташкилотлари (фирмалари) тузади. Тадбиркорлик ташкилотларини (фирмаларини) тузиш, уларнинг фаолият қуввати, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

5-модда. Тадбиркорнинг ҳуқуқлари

Ҳар бир фуқаро (бир гуруҳ фуқаролар) ҳужжатли юриштичи бошқа субъектлар билан тенг асосларда:

— Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вуждуга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириш;

— тадбиркор турли даражада мулкчилик жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этиш;

— бу фаолиятни бажариш учун бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулкни ҳамда пул маблағларини иxtиёрий асосларда жалб этиш;

— Ўзбекистон ССРнинг қонунарига мувофиқ ҳодимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатил;

— тадбиркорликда Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириш;

— тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва маъмулларининг кафолатлари

Ўзбекистон ССР «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун ва ушбу Қонун, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тадбиркорларнинг мулкчилик муносабатлари барқарор бўлишига қаролат беради. Давлат тадбиркорлар мулкчилик ҳуқуқларига қаролат беради.

Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатадиган қонуни ҳужжатларини қабул этган тақдирда, шу ҳужжатлар қабул этилиши натижасида мулкдорга етказилган зарар суднинг қарорига буювон тегишли ҳокимияти ёки бошқаруви идораси иxtиёридаги маблағ ҳисобидан мулкдорга тўла ҳамда тўланади.

Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан унинг мол-мулкига жазо чораси белгиланган тақдирда давлатнинг тадбиркорлик ташкилотини иxtиёридаги мол-мулкни мулкдордан тортиб олишга йўл қўйлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**, Тошкент шаҳри, 1991 йил 15 февраль.

6-модда. Тадбиркорнинг мажбуриятлари

Тадбиркор:

— амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларини бажариш;

— ёлланиб ишлаётган ҳодимлар билан Ўзбекистон ССР қонунарига мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар) тузиш;

— ишга жалб этилган барча ҳодимлар билан тузилган битимга мувофиқ, қорхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар, тўла ҳисоб-китоб қилиш;

— ёлланиб ишлаётган ҳодимларни ижтимоий ва тиббий сугурта қилиш;

— қонунарига мувофиқ махсус билим ва қўлимга талаб қилинадиган ишга факатгина зарур тайёргарликка эга, касб-кори жиҳатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнинг жалб этиши шарт.

7-модда. Тадбиркорнинг масъулияти

Солиқ ва кредит мажбуриятларининг, тузилган битимларнинг ижроси, бошқа субъектларнинг мулкчи ҳуқуқларини бузилиши, бехатар меҳнат шартномалари риоя этилмалиги, истеъмолчиларга одамларнинг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берилганлиги, атироф-муҳитга зарар етказганлиги, янақоҳимликка қарши қонунари бузган

### ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Хива районидagi Беруний номи жамоат ҳужалиги деҳқонлари пахтадан ўзлари қайта ишлашга аҳд қилдилар. Пахта тозалаш заводи агрегатлари ижарага олинди. Тола чиқиши ҳар йилгига қараганда зиёд бўлапти. Бултурги ҳосилдан ажратилган 400 тонна туртинчи нав ҳосил чигити фермаларга ташишди.

Энди ҳужалик чорваси учун омхата ем сотиб олинмайдиган. Жамоат ҳужалиги ана шу чигитнинг ҳар килограммининг 6 тийиндан сотиб, ўзи эса ҳар килограмм омхата еми давлатдан 20 тийиндан олаётган эди. Зарар келтирадиган йўлга тўсиқ қўйилди. Чорва учун эса илгариги қараганда 2-3 баравар тўғилди озуқа ўз-жалалининг ўзида тайёрландиган бўлди.

Пахтадан қайта ишлаб сотишдан 8 миллион сўм даромад олиш мўлжалланган. Келгусида иккинчи заводи сотиб олиш кўзда тутиляпти. Бу биринчидан, бекор одамларни иш билан таъминлаш имконини яратса, иккинчидан, ҳужалик жаҳон бозорига чиқиши учун йўл очади.

**Б. ЖУМАНИЕЗОВ.**

### Хушxabарлар оқимидан

ЧИҚИНДИДАН... ДАРОМАД

Урганч шаҳар ўрнш машиналари заводида ишлаб чиқариш чўққилига чорак аср мобайнида зулуксиз раҳбарлик қилган Райнжон Муҳаммаднинг номи шу ердаги 21-урта мактабга берилди. Шу муносабат билан бўғатан митингга Мираҷқўлидан энг кеска ҳужалиқлардан биринчи фахрийлари қатнашди.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кеңашининг ҳайъати ярим йилдан сал кўпроқ вақт илгари Мираҷқўли ўзлаштириш ишига алоҳида ҳисса қўшган юртдошлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Қарор вақт ичда вилоятнинг турли ерларидagi кўчалар ва хиёбонлар, мактаблар ва клублар янги ерларни ўзлаштирган кишининг номи билан атала бошлади.

**«САДО»НИНГ САДОЛАРИ**

Избоскан районидagi Охунбобоев жамоат ҳужалиги марказий кўрғони — кўҳна Луғубек қишлоғи аҳолиси ҳузурига меҳмонлар келиши. Бу гал узоқ Хоразм дивердан ташриф буюрган «Садо» вокал-чолгу ансамбли катта концерт программасини намойиш қилди.

Анчу соҳиларидан келган Бутунитиёғон конурслари ва Хоразм вилоят комиссод комитетининг соҳиб бўлмиш артистларининг чиқишларини ҳужалик маданият кешроий эълани тулдирган кишилар қизғин олқишладилар. Хоразм воҳаси халқларининг қадимий қишқлари, совет ва ўзбек замонавий бастакорларининг асарлари янгради.

Артистларнинг чиқиши бир қарашда олддаги воқеага ўхшайди. Лекин шундай бўлса ҳам узоқ қишлоқларда бундай концертлар кам бўлади. Шу боисдан уларнинг келиши байрамга айланди, деҳқонларнинг мийриқиб дам олишларида маълум даражада ёрдам беради. «Садо» вилоятнинг Жалоловдуқ, Ленин, Москва, Марҳумат районларида ҳам бўлди.

(ЭТАП).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

### «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кеңашининг қарори:

1. «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини қилиниши биланроқ кучга киритилсин.

2. Белгилан қўйилсинки, бундан буюн Ўзбекистон ССР Қонунари «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштирилгунга қадар Ўзбекистон

ССРнинг ушбу Қонунга эид бўлмаган амалдан қонун ҳужжатлари қўлланаверади.

3. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинетига қуйилган вазифалар топирилади:

— уч ой мўддат ичда сотиб олинмадиган, сотилмадиган ҳамда аниқдор жамиятга жавобгар бўладиган жамиятга айлантирилмадиган давлат корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулкни нарх-

лаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш;

— бир ой мўддат ичда «Ўзбекистон ССРдаги хусусий тадбиркорлик тўғрисида» Низомини ишлаб чиқиш;

— рўйхатдан ўтмаган тадбиркорлик ташкилотларини орттирган даромадларнинг давлат фойдасига олиб қўйиш тартибидан белгилаш; 24 январь 1991 йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон ССР Олий Кеңашининг қўмиталари билан келишилган

қолда тадбиркорлик фаолияти билан шугуллангани ман этиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқлаш;

1991 йилнинг 1 июнига қадар Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштириш ҳақидаги тақлифини Ўзбекистон ССР Олий Кеңашининг қўмиталари билан келишилган

қолда тадбиркорлик фаолияти билан шугуллангани ман этиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқлаш;

1991 йилнинг 1 июнига қадар Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштириш ҳақидаги тақлифини Ўзбекистон ССР Олий Кеңашининг қўмиталари билан келишилган

идоралари корхоналар, бирдлашмалар, ташкилотларнинг ҳужалик фаолиятини ютуғини аралаштидан иборат одатини тарқ этсинлар, тадбиркорлик субъектлари билан ўз муносабатларини амалдаги қонунлар ҳамда тузилган шартномалар асосида курсинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Кеңашининг раиси **М. ИБРОҲИМОВ**, Тошкент шаҳри, 1991 йил 15 февраль.

## Қинғир ишнинг қийиғи

### ТАРТИБТУЗАР КИМУ ТАРТИББУЗАР КИМ?

МАРГИЛОН шаҳар прокуратураси «Ўзбекистон» акционерлик-тижорат банкнинг Маргилон бўлими катта иқтисодчиси Муҳаммаджон Мираҷқўлиновни хизмат мавқеидан фойдаланиб, ҳужжатларни сохталаштиришда айбонди.

МАЪЛУМКИ, мамлакат Президентининг фармонида, Иттифоқ ҳукумати қарорига буювон 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштиришда аниқ тартибга риоя қилиниди. Биринчи рўйхат билан тегишли маблағ фуқароларнинг ўртача ойлик даромадлари миқдорини, бундан ортиқчиси эса иккинчи рўйхат бўйича уларнинг эришасига буювон халқ депутатлари шаҳар ва район кеңашлари ижроия комитетлари ҳузурида тузилган комиссияларнинг ажозати билан берилмоқда.

Айнаи шу кўргазмани назорат қилувчи ва ижросини таъминловчи шаҳар банкда учинчи рўйхат ҳам пайдо бўлиб қолди. Ушбу кўнларда пул алмаштириш жоғираси, асосан одем қайнади, келтирилмадиган ҳужжатлар қалашиб ётерди. Банк ходимлари тўс-тўпо-лондан фойдаланиб қолмоқда қилиниди. Чунки рўйхатларни қабул қилмадиган, пул берадиган ҳам уларнинг ўзлариде.

Дастлаб банкнинг ҳужалик ишлари муадри А. Собирова пул муаммоси ишлари билан шугулланмағалиги учун иккинчи рўйхат бўйича банк ходимларининг жамғармасини йиғиштириш топирилади. У 54 кишининг рўйхатини тузиб, 50 ва 100 сўмликлардан иборат 41 минг 300 сўмин тўпладан. Лекин бу рўйхат камлик қилди. Банк хизматчиларининг шахсий жамғармаларда яна аниқ-мушча пул борлиги маълум бўлиб қолди. Энди катта иқтисодчи Муҳаммаджон Мираҷқўлинов ишга кирди.

иккинчи рўйхатдаги пулларни алмаштириб улгуринди. Бунинг устига М. Мираҷқўлинов тузган рўйхатда банк ходими Р. Абдуқаторовнинг исми-фамилияси икки жойда қайд этилган эди. Маълум бўлишича, Р. Абдуқаторова ўзи топширган 1.100 сўмини олган. Рўйхатнинг иккинчи бетидеги Р. Абдуқаторова фамилиясининг қаршисига эса М. Мираҷқўлиновнинг ўзи кўл қўйган ва алмаштирилган пулим ҳаминга урган. Шу тариқа М. Мираҷқўлинов Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 149-моддаси 1-қисми ва 155-моддасига асосан айбонлиб, унинг устидан текширува олиб бориляпти.

Маргилонда бошқа ҳангомалар ҳам содир бўлди. Шаҳар сановат моллари савдо ва идораси жамоси тушган давр кунин савдонинг 382 минг сўмдан ортиқ пул топширганми, олддаги кўнларда топширилмадиган маблағдан 8—10 бетидеги қўнларда «Фарғана» ширкати бошқармаси 23 январь кунин топширган 199 минг сўмининг 185 минг 400 сўмининг 50 ва 100 сўмлик қолғозлар ташкил этди. Қолбуки, бошқарма бўйича савдо пули сифатида январь ойда ўртача 40—50 минг сўм топширилган. Шаҳардаги кооператив савдо идорасининг дўрмон мудир И. Рустамов 23 январь кунин идорна кассасига 10 минг сўм топширган. Қолбуки, у 8 январь кунин энг кўп миқдорда — 1.123 сўм савдо қилган эди. Бошқа кўнлари умуман ҳеч нарса топширмаган И. Рустамов фақат 50 ва 100 сўмлик пулларга мол солганлигига ишонинг қоялмади.

Шаҳар прокуратураси пул жоғираси билан боғлиқ бу ҳангомаларни иккидан иккисига текширишни мақсад қилиб қўйди.

**Набижон СОБИР,**  
«Халқ сўзи» мухбири.



Женов — Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов районидagi кўҳна қишлоқ. Улянов номи давлат ҳужалиги маъмурияти аҳолининг талаб-истакларини ҳисобга олиб, бу ерда гилам туқиш чеҳи ташкил этди. Унинг махсулотлари: «Ишти ҳарам», «Тойри», «Ян

лов», «Меҳоз» каби қадимий гиламлар харидорларга маъзур бўлмоқда.

СУРАТДА: гиламдўзалар иш пайта.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

## Бехабар қолманг!

### АВИАЦИЯ ЧИПТАСИ НАРХИ ОШДИ

Утган ҳафтада СССР Олий Кеңашининг бешинчи сессиясида бош вазир В. С. Павлов сўзлаган нутқида чакана нархлар ислоҳоти ҳақида гапирга туриб, транспорт хизматлари нархлари, хусусан авиацияда ташиш тарифлари ўртача 80 фоиз ошмағалини айтди. Мамлакат Фуқаро авиацияси вазириги мутахассислари хизмат ҳақи янги тарифларини ишлаб чиқдилар ва тасдиқладилар.

— Ўзбекистон шаҳарларидан, айтайлик, Москвага самолётда бориш учун энди қанча пул сарфлаш керак бўлади? — Мухбиримиз СССР Фуқаро авиацияси вазириги иқтисодий бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари И. А. Деситяченкога ана шундай савол билан мурожаат этди.

— Энг аввало таъкидлаб ўтишим керакин, — деди у, — авиацияда ташиш тарифларининг ошиши биялик, авиатехника ва эҳтиёт қисмлар, моддий таъминотнинг бошқа турлари улгурчи нархлари ўсганлиги билан боғлиқ йнги

тарифларни тасдиқлаш билан бир вақтда тариф масофалар тартибга солиб чиқилди, яъни у ёки бу рейс қайси назар йўлида бажарилганидан қатъи назар, жуғрофий икки нукта ораллигидagi энг қисқа масофа танлаб олинди.

Шунингдек, умумий тартибга риоя қилинадиган: масофа қанча олс бўлса, ҳозир амалдаги тарифга шунча кам қўшиб борилади. Ўзбекистон шаҳарларидан Москвага унш нархга келсан, яхшиши, мен бунга аниқ мисоллар ёрдамида изоҳлаб бера қолай.

Масалан, Тошкент—Москва катнови чиптаси 56 сўм турарди, энди 91—92 сўм тўлашга тўри келади. Урганчдан Москвага бориш учун 52 сўм эмас, 81 сўмга, Нукусдан эса 79 сўмга чипта сотиб олиш керак бўлади. Қаршидан 58 сўм ўринга 92 сўм тўлаёсан. Андижон ва Фарғанадан пойтахтга самолётда унш нархи 69 сўм эмас, тегишли равишда 96 ва 95 сўм туради. Илгари Наманган — Москва рейси чиптасининг

нархи 62 сўм эди, бундан буюн 95 сўм бўлади.

Устига устак, авиация чиптасини сотиб олаётганда йўловчи ўтган йили жорий этилган сотув ва хизматлар солиғининг беш фоизини тўлайди. Комиссия солиқлар ҳақида шунинг айтиш керакин, улар тармоқ бўйича бекор қилинмади. Олдиндан борадиган ташиш нархи маҳаллий кеңашлар томонидан белгилаб қўйилди.

— Ўзбекистон ССР шаҳарлари ўртасида авиацияда ташиш нархи қанча ошадиган?

— Бу саволга Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармасида ҳозир беришлари мумкин. Бу энди уларнинг ўзи иши ҳисобланади. Қайта ҳисоб-китоб қилиш учун зарур маълумотларни биз тақдим этганимиз.

— Янги тарифлар қачондан бошлаб жорий қилинади?

— Авиацияда ташиш тарифларининг ошиши чакана нархлар ислоҳоти умумий доирасига кирди. Янги нархлар авиация чипталари йнги чакана нархлар жорий этилиши билан сотила бошлайдиган. Таъкидлаб ўтмоқчиман: уш лафта қадар сотиб олинган авиация чипталари ҳақиқий ҳисобланади, уларга қўшимчи тўлаш талаб қилинмайдиган.

**Р. АҲМАДЗОДА.**



